

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Ү.22.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛАНОВ КАМОЛИДДИН ТЎЙЧИЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИННИНГ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мавланов Камолиддин Тўйчиевич

Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини
ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари 3

Мавланов Камолиддин Тўйчиевич

Гарантии надежной защиты прав и свобод подозреваемого в уголовном
процессе..... 25

Mavlanov Kamoliddin Tuychiyevich

Guarantees of reliable protection of the rights and freedoms of the suspect in
criminal proceedings 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛАНОВ КАМОЛИДДИН ТҶЙЧИЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳукуқи
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ү449 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хайриев Нодиржон Исроилович
юридик фанлар доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: Пулатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Хасанов Темур Халмамович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Ү4.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “26” январь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1003 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2021 йил “17” декабрда тарқатилди.

(2021 йил “17” декабрдаги “6” рақамли реестр баённомаси).




У.А.Тухташева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор


Д.Г.Камалова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Н.С.Салаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш демократик ҳуқуқий давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ва айниқса, суд-тергов соҳасидаги давлат сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Гумон қилинувчи содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга алоқадорлиги тўғрисида маълумотлар етарли бўлмаган вақтда жиноят процессига кириб келганлиги боис жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар юзга келади. Айбига иқрорлигига эришиш мақсадида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларининг қўлланиши, гумон қилинувчининг иш ҳолатлари етарли исботланмаган жиноятлар бўйича айбланиши билан боғлиқ тергов амалиётида учрайдиган айрим ҳолатлар гумон қилинувчи ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Биргина трансмиллий жиноят – одам савдоси бўйича 2018 йилда UNODC ташкилоти томонидан ўрганилган мамлакатларда 9429 нафар шахс терговга гумон қилинувчи сифатида жалб этилган бўлса, шундан 7368 нафарига прокурор томонидан айблов ҳужжати тасдиқланган ва атиги 3553 нафар шахс суд томонидан айбдор¹, деб топилган. Мазкур кўрсаткич ҳам бугунги кунда шахсни жиноят ишига жалб қилиш, уни жиноят содир этганликда гумон қилиш асосларини такомиллаштириш кераклигидан далолат беради.

Жаҳонда ривожланаётган давлатлар қонунчилигида жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган илмий тадқиқотларга эътибор кучайиб бормоқда. Жумладан, гумон қилинувчининг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлаш, ҳуқуқлари тушунтирилмасдан олдин унга нисбатан процессуал ҳаракатларни амалга оширмаслик, айбсизлик презумпциясининг тўлақонли ишлашини таъминлаш, гумон қилинувчининг ҳимояланиш имкониятларини кучайтириш каби масалаларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини жорий этиш суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, “суд-тергов органлари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишонччи ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ишлари юритувининг процессуал асосларини, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш”² учун мазкур соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини

¹ UNODC, Global Report on Trafficking in Persons 2020 (United Nations publication, Sales No. E.20.IV.3). https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/tip/2021/GLOTiP_2020_15jan_web.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2018), “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги (2020) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) Фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида республикамиздаги бир қатор таниқли процессуалист олимлар: Ғ.А.Абдумажидов, Ғ.М.Абдусаломов, Д.Б.Базарова, К.А.Ишниязов, Б.А.Мўминов, Б.Х.Пулатов, Б.Н.Рашидов, Б.А.Саидов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Н.И.Хайриев, Н.Н.Хайдаров, М.Р.Чутбаев ва Н.М.Қўшаевлар турли даврларда ўзларининг тадқиқот ишларида тўхталиб ўтганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда тадқиқ қилинаётган мавзунинг айрим жиҳатлари Д.В.Власенко, Т.В.Валькова, А.А.Кирьянов, В.В.Калинин, В.Ю.Мельников, В.С.Филь, А.В.Ольшевский, И.А.Пантелев, И.А.Ретюнских, А.С.Стройкова, А.А.Терегулова, Ю.Б.Чупилкин, А.Б.Шарипова, Ф.Г.Шахкелдовларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларнинг жиноят ишларини юритувида гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмига оид масалалар Anneli Soo, Anna Pivaty, Chrisje Brants, J.H.Crijns, Emma Caroline Barrett, Eileen Skinnider, Frances Gordon, Jae-hyun, Jaan Ginter, Jung-ho, Kuk Cho, Lonneke Stevens, V.J.G.Leeuw, Mesut Eryilmaz, Mario Caterini, Shmul Leshem, Stijn Franken, H.T.Wermink каби олимлар томонидан тадқиқ этилган¹.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган

масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, мазкур олимларнинг тадқиқот ишлари бевосита гумон қилинувчининг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларига бағишланмаган. Жумладан, Н.Н.Хайдаров жиноят ишлари юритувининг дастлабки босқичларида гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу жараён устидан ҳуқуқий назорат масалаларини ўрганган бўлса, Ғ.М.Абдусаломов жиноят процессида шахсий манфаатга эга иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатларини, Б.А.Саидов ишни судга қадар юритиш давомида бир қатор жиноят процесси иштирокчилари, шу жумладан, гумон қилинувчининг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масаласини тадқиқ қилган. Бироқ, шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш жараёнида қўлланилиши лозим бўлган исботлаш стандартлари, жиноят иши қўзғатилмасдан олдин жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқий мақоми ёки айнан гумон қилинувчининг ҳимоячини танлаш жараёнидаги муаммоларга оид масалаларга комплекс ёндашилмаган. Шу боис мазкур масалани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, “Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш”, “Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш” каби илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишлари юритувида гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни таҳлил қилиш, бу соҳадаги илмий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақоми, ўрнини аниқ белгилаш;
- гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзида акс эттирувчи жиноят-процессуал кафолат тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритиш;
- гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш;
- халқаро рейтингларда қонун устуворлигини белгиловчи мезон сифатида гумон қилинувчининг ҳуқуқларини тадқиқ этиш;
- гумон қилинувчининг ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал кафолат сифатида айбсизлик презумпциясининг амалий аҳамиятини ўрганиш;
- процессуал мажбурлов чораларини қўллашда гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал тартибни таҳлил қилиш;
- гумон қилинувчининг жиноят иши материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўрганиш;

- гумон қилинувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш масаласини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ процессуал ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, кийсий-ҳуқуқий, мантикий, социологик, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган. Бу усулларнинг жами муайян даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончилиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш мумкин эмаслиги асослаб берилган;

шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш мумкин эмаслиги асослантирилган;

жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши шартлиги асослаб берилган;

гумон қилинувчидан жиноят-процессуал қонунчилиги бузилган ҳолда олинган кўрсатувлар номақбул далил деб топилиши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиши зарурлиги асослантирилган;

камोकқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида ушлаб туришнинг асосли ва қонунийлигининг судлар томонидан ўрганилиши зарурлиги асослантирилган;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўзи гумон қилинувчига аниқ бир адвокатни тавсия этиши мумкин эмаслиги асослантирилган;

тергов давомида гумон қилинувчига нисбатан айблов эълон қилишга фақат прокурор ваколатли бўлиши зарурлиги асослантирилган;

жиноят ишлари юритувида иштирок этаётган гумон қилинувчининг ҳуқуқларини кафолатлашни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.

Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, бир қатор хорижий

давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясининг умум эътироф этилган қоидалари ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далилларга таяниб исботланган.

Гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини юритишга оид жами 96 нафар суриштирувчи, терговчи, шунингдек, адвокат, судья, изланувчи ва олимлар орасида сўровлар ўтказилган; тадқиқ этилаётган масалага доир жами 110 та шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаб туриш баённомалари, уни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқа суд ҳужжатлари ўрганилган; статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг **илмий аҳамияти** шундаки, муаллиф томонидан жиноят ишини юритишда гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолат тушунчаси, унинг структуравий хусусиятларини англашга оид назарий хулоса ва қоидалар, шунингдек, гумон қилинувчи ҳуқуқларини кенгайтиришнинг келгусидаги ривожланиш йўналишларининг белгиланганлиги ушбу соҳага тааллуқли назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини яратади.

Тадқиқот ишининг **амалий аҳамияти** эса, мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодекс, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларини ҳамда суд-тергов амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятларини яратиши билан белгиланди. Бундан ташқари, диссертация ишининг натижаларидан ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот фаолиятида, “Далиллар назарияси”, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Жиноий одил судлов асослари” каби фанлар бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини илмий тадқиқ этиш юзасидан олинган натижалар асосида:

шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш мумкин эмаслигини назарда тутувчи таклиф 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 12-банди 2-хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг 2021 йил 6 августдаги 06-10/1866-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф гумон қилинувчининг иш ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилган;

шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар, ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш мумкин эмаслигини назарда тутувчи таклиф 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ–675-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 12-банди 3-хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 6 августдаги 06-10/1866-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф гумон қилинувчининг ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиши ва уларни амалга оширишига хизмат қилган;

жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, бу ҳақда дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилиши зарурлигини назарда тутувчи таклиф 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ–617-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-банди 2-хатбошисида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 6 апрелдаги 06-10/782-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ўз ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишига хизмат қилган;

гумон қилинувчидан жиноят-процессуал қонунчилиги бузилган ҳолда олинган кўрсатувлар номақбул далил деб топилиши зарурлигини назарда тутувчи таклиф 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ–470-сонли “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-қисми 6-банди 3-хатбошисида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 6 апрелдаги 06-10/782-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципининг тўлақонли ишлашига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 16 та илмий мақола (улардан 3 таси хориж нашрларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қоидаларнинг умумназарий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида жиноят ишини юритишда гумон қилинувчининг процессуал мақоми, унинг процесс иштирокчиси сифатида жиноят иши юритувидаги ўрни, гумон қилинувчининг амалдаги қонунчилигимиздаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят процессида шахсни гумон қилинувчи, деб топишнинг амалдаги тартиби етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаган, бу эса ўз навбатида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларининг чегараланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилигимизда гумон қилинувчи ишни юритиш жараёнида иштирокчи сифатида вақтинчалик қатнашувчи ёки умуман иштирок этмайдиган шахс эканлиги ҳам унинг ҳуқуқларини тўла қафолатлаш имконини бермайди.

Шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асослар ЖПКнинг 359-моддасида белгиланган бўлиб, мазкур моддага биноан, шахс ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос бўлувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади. Бироқ, ЖПКнинг 359-моддасида назарда тутилган “ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос бўлувчи маълумотлар”нинг айнан қандай маълумотлар эканлиги белгиланмаган. Ваҳоланки, ЖПКнинг 82-моддасида шахсни жиноят содир этганликда айблаш учун асослар аниқ кўрсатилган. Шунингдек, гумоннинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги қоидалар жиноят-процессуал қонунчилигида акс этмаган.

Тергов жараёнида шахсларнинг бевосита жиноятга дахлдорлиги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш, тергов ҳаракати ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш йўли билан аниқланади. Шунингдек, тадқиқотчининг фикрича, ушбу тушунча кенг маънода қўлланилмаслиги, яъни процессуал қарорлар мавҳум гумонлар асосида қабул қилинмаслиги

керак. Шу мақсадда муаллиф Жиноят-процессуал кодексига шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида жалб қилишда ягона ёндашувни таъминловчи замонавий исботлаш стандартини алоҳида модда сифатида киритишни таклиф этган. Унда гумон қилиш учун жиноятнинг содир этилишига шахснинг дахлдорлиги ҳақида асосли гумон бўлиши керак, деган хулосага келинган. Диссертация иши доирасида ўтказилган ижтимоий сўровда “*Ҳар қандай алоқадор маълумот шахснинг жиноят содир этганликда гумон қилинишига асос бўла оладими?*” деган саволга респондентларнинг 71,1 %и томонидан “*йўқ, шахснинг жиноятга дахлдорлиги ҳақида асосли гумон бўлиши керак*” жавоби берилган. Шунингдек, тадқиқотчи ушбу асосли гумонни тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун зарур бўлган исботлаш стандарти сифатида эътироф этган ва бунда фактик маълумотлар содир этилган жиноятга шахснинг дахлдорлиги тўғрисида хулоса қилишга асос бўлиши керак, деган фикрни асослаган. Мазкур стандартнинг амалга ошиши учун Жиноят-процессуал кодекснинг 359-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлиши лозимлиги таъкидланган.

Муаллиф жиноят процессида гумоннинг аҳамияти, шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб этиш асосларини ўрганишда Н.Н.Хайдаров, М.Р.Чутбаев, В.Ю.Мельников, В.С.Филь, Д.В.Власенко, А.А.Терегулова, И.С.Дикарев ва бошқа олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилган ҳамда гумон пайдо бўлишида асосий эътибор шахснинг айбдорлигига эмас, унинг содир этилган жиноятга дахлдорлигига қаратилишини, шахснинг мақоми гумон қилинувчидан айбланувчига ўзгариши айнан айбнинг исботланганлик даражасига боғлиқ бўлиши кераклиги исботлаган.

Гумон қилинувчи деганда, мавжуд фактик маълумотлар ва унинг содир этилган жиноятга дахлдорлигини кўрсатувчи, лекин айбланиш учун етарли бўлмаган далилларга асосланган ҳолда жиноят-процессуал муносабатлар доирасига жалб этилган шахсни тушуниш мумкин. Бошқача қилиб айтилганда, шахсни гумон қилинувчи деб топишнинг процессуал акти жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисидаги қарор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги (2003.19.12.) қарорига мувофиқ, шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланганида, гарчи қонунда бу ҳақида тегишли баённома шахс ички ишлар органи ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, унинг ҳаракатланиш эркинлиги амалда чекланган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб топилади ва айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ҳолларда унинг гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов департаменти томонидан тақдим этилган

маълумотларга кўра, 2016 йилда Республикамиздаги Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида 4673 нафар, 2017 йилда 5689 нафар, 2018 йилда 4445 нафар, 2019 йил 4646 нафар, 2020 йилда 6339 нафар шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб, процессуал тартибда ушлаб турилган¹. Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан шахсни жиноят ишига жалб қилиш тўғрисидаги қарор расмийлаштирилишидан олдин ҳам у гумон қилинувчи бўлиши мумкин, деб хулоса қилиниб, унинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонунчилигимизда аниқ белгиланиши зарурлиги кўрсатилган. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 47-моддаси янги таҳрирда берилиши лозимлиги, унда нафақат жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахс, балки жиноят содир этганликда гумон қилиниб процессуал қонунчиликда ўрнатилган тартибда ушланган шахс ҳам гумон қилинувчи мақомига эга бўлиши кераклиги тўғрисида хулосага келган.

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, гумон қилинувчи биринчи марта сўроқ қилинишидан олдин унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади, унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлиги эълон қилинади, унга ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарор тақдим қилинади ва айбловнинг моҳияти тушунтирилади. Бундан ташқари, суриштирувчи ва терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишидан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши керак бўлади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган айблов билан боғлиқ мазкур нормалар мазмуни баҳсли бўлиб, тергов давомида шахсга нисбатан суриштирувчи, терговчи томонидан айблов эълон қилиш тартиби айбсизлик презумпциясига мувофиқ эмас. Ҳатто 1993 йил Францияда суд-ҳуқуқ соҳасидаги олиб борилган ислохотлар натижасида “Айблов эълон қилиш” институти “Кўриб чиқишга жалб этиш” (*mise en examen*) га ўзгартирилган эди. Шу боис айбланувчи ўрнига бошқа иштирокчи, яъни “Кўриб чиқишга жалб этилган шахс” пайдо бўлган эди. Франция қонун чиқарувчи органи мазкур ўзгаришни дастлабки тергов жараёнида “айб”, “айбланувчи” ва “айблов” тушунчаларининг ишлатилиши айбсизлик презумпциясига зидлиги билан изоҳлаган. Бугунги кунда “француз модели” дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари: Финляндия, Швеция, Австрия, Норвегия, Эстония, Польша, Қозоғистон, Украина ва Қирғизистонда жорий этилган. Мазкур давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида “шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилиш” институтига барҳам берилган бўлиб, эҳтиёт чораларини қўллаш учун айблов билан боғлиқ бўлмаган бошқа процессуал ҳужжат расмийлаштирилиши кераклиги В.В.Кальницкий, Б.Я.Гаврилов, А.С.Ургалкин, В.М.Герасинков, С.А.Кузора, К.А.Пахарьков, С.И.Довгун, Л.И.Василевский ва М.Ю.Колбеева каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 19 майдаги 16/2-48791/21-378-7051-сонли хати

Муаллифнинг фикрича, шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо жиноят ишини юритишнинг тергов босқичида прокурор, судда эса судья томонидан берилиши зарур. Ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 72,2 %и муаллиф фикрига қўшилган ҳолда далиллар тўлиқ йиғилгандан сўнг шахсни айблаш кераклигини билдирган. Бунда айблов хулосаси ёки далолатномаси бутун тергов жараёнига яқуний баҳо беради. Бошқача айтганда, тергов жараёнида шахсни айблаш масаласи давлат айблов ҳоқимияти органи томонидан ҳал этилиши лозим. Тадқиқотчи шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган ва айблов хулосаси ёки далолатномасида акс этадиган айблов мазмунан битта бўлиб, иккаласи ҳам ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган асосларга таянишини таъкидлаган. Шунингдек, муаллиф айблов тергов яқунида, шахснинг айбдорлиги тўғрисидаги далиллар тўлиқ йиғилгандан сўнг айблов хулосаси ёки далолатномасида акс этиши, эҳтиёт чораларини қўллаш учун айблов билан боғлиқ бўлмаган бошқа процессуал ҳужжат расмийлаштирилиши кераклигини асослайди.

Гумон қилинувчининг ҳуқуқини таъминлаш жиноят процессида инсонпарварликни баҳоловчи мезон ҳисобланади. Бу эса шахс гумон қилинувчи мақомида бўлган даврда унинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор берилиши кераклигини кўрсатади. Мавжуд процессуал қафолатлар эса бундай таъминотнинг муҳим омили ҳисобланади. Жиноят-процессуал қафолатлар нафақат шахснинг ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини таъминлайди, балки бир вақтнинг ўзида тергов органларининг ўзбошимчалигидан ҳам сақлайди. Шу маънода жиноят процессининг ҳар бир институти, ҳар бир процессуал принципи жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, холисона тергов қилиш ва адолатли ҳал этишнинг процессуал қафолатидир. Гумон қилинувчи ҳуқуқларининг қафолатлари дейилганда, гумон қилинувчининг ҳуқуқлари акс этган жиноят-процессуал нормалар, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, ушбу мансабдор шахсларнинг процессуал фаолияти ҳамда ҳимоячининг процессуал фаолиятини тушуниш мумкин

Тадқиқот ишининг **“Гумон қилинувчи ҳуқуқларининг таъминланганлиги халқаро ҳуқуқий нормалар ва рейтингларда қонун устуворлигини белгиловчи мезон сифатида”** деб номланган иккинчи бобида гумон қилинувчининг ҳуқуқларини қафолатлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг мазмун-моҳияти, ушбу халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг миллий қонунчилигимизда қай даражада акс этганлиги ва уларни имплементация қилиш масалалари, шунингдек, гумон қилинувчи ҳуқуқларининг қафолатланганлиги халқаро рейтингларда қонун устуворлигини белгиловчи мезон эканлиги таҳлил қилинган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши, ушланиши ёки таъқиб қилиниши мумкин эмаслигига, шунингдек, жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсонга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиб, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айбдорлиги аниқланмагунча айбсиз деб

ҳисобланиш ҳуқуқига эга эканлигига алоҳида урғу берилган. Бу қоидалар миллий қонунчилигимизда ҳам қатъий белгиланган бўлиб, ҳеч ким суд қарорисиз ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмаслиги ЖПКнинг 18-моддасида ўз аксини топган. Тадқиқотчининг фикрича, ЖПКдаги мазкур нормада “ҳибсга олиш” дейилганда шахснинг эркинлиги ва дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ давлатнинг процессуал мажбурлов чораси назарда тутилган. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига кўра гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси суднинг ажрими билан қўлланилиши белгиланган бўлиб, шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаб туриш учун эса суднинг рухсати талаб этилмайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг “Ушланган ёки қамокқа олинган барча шахсларни ҳимоя қилишнинг жамланма принциплари”да “arrest” сўзи шахсни қилмишни содир этганликда гумон қилиб ушлаш ҳужжати маъносида ишлатилган. Ушбу атама аксарият манбаларда “ҳибсга олиш” дея таржима қилинган ҳамда Конституция ва бошқа қонунларда ҳам кўрсатилган. Тадқиқотчи ЖПКнинг 18-моддаси 2-қисми мазмунини тўғри талқин қилиш учун уни Конституцияга мос равишда “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас” деб ўзгартиш кераклигини асослаб берган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон, мабодо унинг Конституция ёки қонун белгиланган асосий ҳуқуқлари бузилса, суд орқали ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Жиноят процесси иштирокчиси сифатида гумон қилинувчи ЖПКда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Бироқ, мазкур норма Декларацияда назарда тутилган шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлай олмайди. Чунки гумон қилинувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал қарорлари устидан бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқи қонунда аниқ белгиланмаган. Бунинг натижасида тергов органлари томонидан қонунга хилоф равишда чиқарилган қарорлар прокурор томонидан бекор қилиниб, шахснинг қонуний манфаатлари тиклансада, суриштирувчи, терговчи томонидан ноқонуний чиқарилган қарор учун жавобгарлик масаласи аксарият ҳолларда очиқ қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг фикрига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқи одил судлов соҳасидаги кафолатларни таъминлашнинг узвий элементи ҳисобланади. Шунинг учун муаллиф гумон қилинувчининг тергов мобайнида ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал қарорлари устидан судга шикоят қилиш тартибини белгилаб, унинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш зарур, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, ЖПКда суд томонидан қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш бўйича илтимосномаларни кўриб чиқишда ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги масаласини муҳокама

қилиш мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пактнинг 9-моддасида назарда тутилган суд дарҳол ушланишнинг қонунийлиги борасида қарор чиқара олиши ва агар унинг ушланиши ғайриқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олиши ҳақидаги қоидага мувофиқ эмас. Бу тартиб Халқаро жиноят суди Рим статутида ҳам назарда тутилган. Мазкур амалиёт инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ эмас ва тергов органлари томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилишига олиб келиши мумкин. “Хабеас корпус” стандартлари эркинлигидан маҳрум бўлган ҳар бир шахсга ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилиги юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бу қоида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасининг саккизинчи тушунтиришида ўз аксини топган. Ушлаб туриш қонунийлигининг суд томонидан мажбурий баҳоланиши шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаб, жиноят ишларини юритишда асоссиз эркинликни чеклаш ҳолатларини кескин қисқартиради.

Муаллиф юқоридаги қоида судларнинг вазифаси сифатида қонунда белгилаб қўйилиши зарур, деган хулосага келган. Бунда шахсни ушлаб туришнинг ғайриқонунийлиги қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш учун асос сифатида аниқ белгиланиши лозим. Диссертация доирасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 10 %и қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашни рад этишга ушлаб туришнинг ноқонунийлиги, асоссизлиги сабаб бўлаётганлигини билдиришган. Бундан мазкур турдаги илтимосномаларни кўриб чиқишда ушлаб туришнинг асослилиги судлар томонидан тўлиқ ўрганилмайди, деган хулоса келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қўйи тузилмалари томонидан Республикамиздаги вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида 2017 йил 5689 нафар шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган бўлса, уларнинг ҳимоячилари томонидан гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан жами 111 та шикоят келиб тушган, бу кўрсаткич 2018 йилда 4445 нафар гумон қилинувчига нисбатан 79 тани, 2019 йилда 4646 нафар гумон қилинувчига нисбатан 64 тани, 2020 йилда эса 6339 нафар гумон қилинувчига нисбатан 110 тани ташкил этганлиги ушлаб турилган гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар борлигидан дарак беради.

Халқаро рейтинглар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳоловчи умум томонидан қабул қилинган восита ҳисобланади. Бугунга келиб аксарият халқаро индекслар нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислохотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақиятини кўрсатувчи мезонлар сифатида қўлланила бошланди ва бутун дунё давлатлари томонидан тан олинмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларида 2030 йилгача Қонун устуворлиги кўрсаткичи бўйича мамлакатимизнинг позициясини кескин яхшилаш белгиланган. Шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармони (2020.02.06) қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга асосан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика кенгаши тузилган бўлиб, халқаро рейтингларнинг таркибий индикаторлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, улар бўйича докторантура (PhD ва DSc) даражалари тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқиш масаласи Кенгашнинг 2021 йилги иш режасига киритилган. Тошкент давлат юридик университети Қонун устуворлиги индекси (The Rule of law index)га масъул тадқиқот институти этиб белгиланган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, мамлакатларнинг халқаро рейтинглардаги ўз ўрнини яхшилашга интилиши ижобий ҳолат, аммо халқаро обрў ортидан қувиш билан чекланиб қолмаслик лозим. Чунки бундай ёндашув мамлакат тўғрисида чалғитувчи тасаввур шаклланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. “Индекслардаги ўрнимиз биз учун аҳамиятга эга, лекин пировард мақсад эмас. Пировард мақсадимиз – ҳаётни энгиллаштириш, тизимни либераллаштириш, давлат органларининг масъулияти ва самарадорлигини ошириш”¹. Муаллиф суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади одил судловни таъминлаш, шунингдек, жинойт иши юритуви иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиши керак, деган хулосага келган. Шу билан бирга, тадқиқотчи мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислохотларини олиб боришда соҳага оид халқаро рейтингларнинг баҳоловчи мезонлари ҳам инobatга олиниши зарур, деб ҳисоблайди.

The World Justice Project (WJP) халқаро мустақил нотижорат ташкилоти Қонун устуворлиги индекси (WJP Rule of Law Index) бўйича 2021 йилги рейтингларни эълон қилди. Мазкур индекснинг 8.7 бандидаги субиндикаторлар давлатларда айнан гумон қилинувчи ҳуқуқларининг таъминланганлик даражасини ўрганади. Ўзбекистон Республикаси 2021 йилда қуйидаги мезонлар бўйича 139 та давлат орасидан **83-ўринни** эгаллаган:

- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши (ушбу мезонда шахснинг ўзбошимчалик билан ҳибсга олишдан ҳимояланганлиги ҳамда тергов давомида айбсизлик презумпциясига риоя қилиниши ўрганилади);

- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларда далилларга эга бўлиш имкониятининг мавжудлиги;

- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қўпол муносабатнинг мавжудлиги;

- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланганлиги.

¹ <https://www.minjust.uz>

Мазкур индекснинг “Фундаментал ҳуқуқлар ҳимояси”га бағишланган **4.3 индикаторида** ҳам бевосита жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлик даражаси тадқиқ этилади. Унда ҳам Ўзбекистон Республикаси 2021 йилги кўрсаткичлар бўйича 139 та давлат орасидан **83-ўринни** эгаллаган. Бундан ташқари, “Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган **“Коррупцияни тасаввур қилиш” индекси**, Жаҳон банкининг **Бошқарув сифати индикаторлари** (Worldwide Governance Indicators)дан Ҳуқуқ устуворлиги (Rule of Law) мезони бўйича рейтингни шакллантиришда “World Justice Project” томонидан эълон қилинадиган маълумотлардан фойдаланилади. Тадқиқотчи суд-тергов соҳасида ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда Қонун устуворлиги индексида (WJP Rule of Law Index) юқори натижаларга эришган давлатлар қонунчилигини қиёсий ўрганиш керак, деган хулосага келган. Шу билан бирга, юқоридаги мезонлар бўйича тергов амалиётидаги муаммолар таҳлил қилинган ва улар бўйича берилган таклифлар диссертациянинг турли қисмларида акс этган.

Диссертациянинг **“Ривожланган айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиз асосида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш”** деб номланган учинчи бобида процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганда гумон қилинувчининг ҳуқуқларини кафолатлаш, уни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, айбсизлик презумпциясининг гумон қилинувчи ҳуқуқларини кафолатлашдаги аҳамияти, гумон қилинувчининг иш материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш каби масалалар ўрганилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўра, жиноят содир этган шахслар учун қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш умумий қоида бўлмаслиги керак. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган асослар (масалан, гумон қилинувчининг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик) бўйича судга тегишли маълумотларни тақдим этмайди. Судларнинг бу нарсага эътибор бермаслиги гумон ёки айби исботини топмайдиган шахсларнинг қамоққа олинишига ва бу шахсларнинг тергов ҳибсхоналарида узоқ муддат қолиб кетишига олиб келади. Бунинг устига қамоққа олиш ёки уй қamoғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун қонунда ўрнатилган қисқа муддат судларга мазкур ҳолатларга оидинлик киритиш имконини бермайди. 2016–2020 йиллар мобайнида Республикада гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан судга юборилган илтимосномаларнинг 98 % дан ортиғи қаноатлантирилган. Т.Е.Каудыров, Р.Р.Алекперов, К.К.Карабаева ва бошқа олимларнинг бу борадаги илмий қарашларини ўрганган ҳолда, тадқиқотчи қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат қилинганда, прокурор бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш орқали мақсадга эришиб бўлмаслигини ва бу ягона тўғри чора эканлигини исботлаб бериши,

шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган ҳолатларнинг содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида фактлар кўрсатилиши керак, деган хулосага келган.

